

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

3

2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH)**

ILMIY JURNALI

3

2021

Toshkent

3
2021

Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine

IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadridin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinov– (AQSh)
Uktam Burxanov – (Chexiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Volfgang Lukas (Germaniya)
N. V. Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**3
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

Iqtisodiy tadqiqotlar 2021 yil, 3-son

| | | |
|--|--|-----|
| Mamatov M.A. | O'zbekistonda iqtisodiyotning institutsional tuzilma-sini takomillashtirishda milliy innovasion tizim-ning ta'siri..... | 91 |
| Yuldasheva D.K. | Specific aspects and components of ensuring food security of country..... | 95 |
| TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA | | |
| Камалова М.Н. | Воспитание нового поколения экономистов в новом Узбекистане..... | 98 |
| Холматова Ш.М., Мамадалиева Ф.А. | Современный переход реформирования системы образования в экономическом вузе..... | 103 |

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИНГ ТАЪСИРИ

*Маматов М.А. -
ТДИУ доценти (PhD)*


***Аннотация.** Мақолада миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришда миллий инновацион тизимнинг таъсири тадқиқ этилган. Миллий инновацион тизимнинг схемаси ишлаб чиқилган, тизимдаги институционал тузилмаларнинг функциялари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ёритилган. Миллий инновацион тизимни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** институционал тузилма, миллий инновацион тизим такрор ишлаб чиқариш тузилмаси, саноат, хизмат кўрсатиш, технологик уклад, инвестиция, инновация, иқтисодий ўсиш.*

Кириш. Институционал тузилма расмий институтлар: қонунлар, қатъий меъёрлар, қабул қилинган қоидалар; норасмий институтлар: ижтимоий нормалар, мафкура; норасмий институтлар фаолиятини тартибга солувчи анъана ва қадриятлар) иқтисодий тизимнинг ривожланиш даражасини белгилайди ва жамиятнинг ривожланиш индикаторидан иборатдир. Юқори фан сиғимли технологиялар салоҳиятига асосланган ҳолда ривожланган мамлакатларнинг моддий-техник базасининг ривожланиши истиқболли технологик укладнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлиб, жамиятда ижтимоий фаровонликнинг юқори даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси хом-ашё моделига асосланган иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси, шунингдек, технологияларнинг ҳаётий циклини қисқаришида намоён бўладиган илмий ва технологик ривожланишнинг глобал тенденциялари, илмий билимларни жамғариш суръати, юқори фан сиғимли технологияларнинг тарқалиш тамойиллари ҳамда институционал муҳитдаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришни долзарб қилиб кун тартибига қўймоқда. “Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос [1].

Асосий қисм. Миллий инновацион тизим (МИТ) – миллий ҳудуд доирасида илмий билим ва технологияларни яратиш, рўёбга чиқариш ва тижоратлаштиришга хизмат қилувчи ўзаро боғлиқ бўлган тузилмалар мажмуасидир[2]. МИТ ўзига икки таркибий бўлинмани қамраб олади: илмий-ишлаб чиқариш ва институционал. Институционал муҳит давлатнинг фан-техника соҳасидаги фаолиятини ва инновацион сиёсатини таъминлайди.



Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизимининг субъект-функционал схемаси³⁸

Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг МИТининг субъект-функционал схемаси ишлаб чиқилди. Мазкур схема Ўзбекистонда МИТнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлашда ва уларни ўрганишда биринчи қадам ҳисобланади.

Мамлакат инновацион тизимида инновацион фаолият субъекти сифатида давлатнинг ўрнини англаб олиш ўзига хос алоҳида эътиборни талаб этади. Мамлакат инновацион тизимининг марказида инновацион корхоналар туради. Тизимнинг қолган барча элементлари у ёки бу даражада инновацион корхоналарга боғлиқ бўлиб, бир-бирларига нисбатан иккиёқлама алоқадорликда бўлади. Келтирилган МИТ схемасида инновацион корхоналар инновацияларни яратувчи, яъни “яратувчи” корхоналарга ва бу ишланмалардан ўз фаолиятларида фойдаланувчи инновацион инвестицион корхоналарга ажратилади. Иккинчи тур корхоналарини “амалиётчи”лар деб, аталади. Чунки корхоналар инновацион тизимда инновацияларнинг ҳаётийлик циклининг барча босқичларида вужудга келиш ва тарқатишни ифода этувчи турли вазифаларни бажаради.

“Амалиётчи” корхоналар агар “яратувчи” корхоналарга ўзлари учун зарур бўлган инновацион маҳсулот ва хизматларни буюртма қилсалар, у ҳолда уларни “Мижозлар” тоифасига киритиш мумкин бўлади. Ушбу ҳолатда “яратувчи”

³⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

корхоналар ва мижозлар ўртасидаги алоқалар илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш учун битимлар тузилишини кўзда тутади.

Ҳар қандай инновацион корхона учун кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бири, бу албатта молиялаштириш манбаларини излаб топиш билан боғлиқдир. Молиялаштириш манбалари сифатида кредит муассасалари, фонд бозорлари, венчур фондлари ва бизнес-фаришталар (business angel) иштирок этишлари мумкин. Инновацион корхоналар молиялаштириш манбаларига пул маблағларидан фойдаланганлик учун ўзига хос ҳақ-тўлов тўлайдилар. Молиялаштириш манбаи банк бўлган ҳолатларда эса, бундай тўлов фоиз ставкаси ҳисобланади.

Бир қатор ҳолатларда, мисол учун бизнес-фаришталар (business angel) томонидан пул маблағлари инновацион корхоналарга беғараз-беминнат кўринишда берилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда тўлов пул кўринишида эмас, балки бирор бир номоддий кўринишда, мисол учун янги корхо-на яратилишидан, ёрдам кўрсатганликдан, шунингдек муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг келгусидаги даромадлари оқими-дан қониқиш шаклида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизими чизмасида маҳаллий ва марказий давлат бошқаруви органларининг барчаси давлат сифатида тушунилади. Давлат ўзининг асосий иқтисодий вазифаларини бажараётганлиги учун, барча корхоналарда бўлгани каби, инновацион корхоналардан ҳам солиқлар кўринишида тўловлар ундиради. Давлат субвенциялар, грантлар ажратиб, бизнес-инкубаторлар хизматини таклиф эта бориб, инновацион корхоналар фаолиятига кўмаклашади. Давлат, шунингдек, янги иқтисодий хулқ қоидаларини ишлаб чиқиши ёки мавжудларини ўзгартириши ҳам мумкин.

Венчурли инвестициялаш инновацияларни молиялаштириш борасида кредит муассасаларининг муқобили сифатида хизмат қилиши мумкин-лигини, бугунги кунда тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси яққол исботлаб турибди. Инновацион инвестициялашнинг мазкур тури таъминот ва гаровсиз амалга оширилади ва у кўпинча ўзида акциялар пакети улушига айрибошлаш ҳисобига акциядорлик капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ифода этади.

Инновацион корхоналар тараққиётининг дастлабки босқичларида хавф-хатар даражасининг юқори даражада бўлишини инобатга олган ҳолда, бундай корхоналарни молиялаштиришда венчур фондлар ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин, зеро бундай фондлар молиялаштирилаётган корхона муваффақиятсизлик-ка учраган тақдирда ҳам бундай йўқо-тишларга олдин тайёр турадилар. Ўз-ўзидан аёнки, молиялаштирилаётган корхоналар муваффақиятга эришган тақдирда, молиялаштиришнинг бу тури юқори фойда меъёри билан тақдирланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида миллий инвестицион-инновацион тизимини такомиллаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизмини шакллантириш мақса-дида Ўзбекистон

Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томо-нидан қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

•Инновацион лойиҳаларни кредитлаш борасида фонд бозори кредит муассасаларининг муқобили сифатида бўлиши мумкин. Бироқ фонд бозорлари орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун уларни қимматли қоғозлар, фючерс ва форворд шартномалари бўйича савдолар амалга ошадиган жаҳоннинг ривожланган фонд бозорлари даражасигача олиб чиқиш ва унда хусусий мулк тамойилларини амалда рўёбга чиқариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий халқаро нормаларни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш керак;

•Давлат миллий инновацион тизимининг барча унсурларидан тескари алоқани қабул қилиб олувчи сифатида кўплаб вазифалар, хусусан: мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, шахс маданияти ва ҳуқ-атвор қоидаларини шакллантириш, субвенциялар бериш ва бизнес-инкубатор хизматларини кўрсатиш, жамоат ташкилотлари, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар билан ҳамкорлик қилиш ва шу каби вазифаларни бажаради. Шу тариқа, давлат яхлит тарзда мамлакат инновацион тизимини ўзгартириш ва керакли томонга йўналтира олиш имконига эга бўлган ягона тизим элементи сифатида майдонга чиқиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳарририга берган интервьюси. <https://daryo.uz/k/2021/08/17/>
2. MetcalfeS. SteinmanP. *The economic Foundations of Technology Policy: Equilibrium and Evolutionary Perspectives // Handbook of the Economics of Innovation and Technical Change.* – London. Blackwell. 1995. P. 462-463.
3. Lundvall B. A. *National Systems of Innovation.* – London: Pinter.1992. P.2.

IQTISODIY TADQIQOTLAR

ELEKTRON ILMIY JURNALI

Tahririyat manzili:

100003, Toshkent sh., Chilonzor tumani, I. Karimov ko'chasi 49-uy

Telefonlar *****